



## Фидойи ва жонкуяр устоз

**"Ипотека-банк" АТИБ ходимлари томонидан устоз-мураббийлар ҳолидан хабар олиш одат тусига кирган. Анъана-га кўра, бу сафар ҳам бир гурӯҳ ходимлар 1 октябрь – "Устоз ва мураббийлар куни" муносабати билан фидойи, жонкуяр устозлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишиди.**



"Ипотека-банк" АТИБ ходимлари томонидан устоз-мураббийлар ҳолидан хабар олиш одат тусига кирган. Анъана-га кўра, бу сафар ҳам бир гурӯҳ ходимлар 1 октябрь – "Устоз ва мураббийлар куни" муносабати билан фидойи, жонкуяр устозлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишиди.

Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг босиб ўтган йўллари, эришган ютуқлари-ю, юқори чўққиларни забт этиш йўлидаги заҳматли умри ҳақидаги сўзларини эшитиб, беихтиёр ҳавас қиласан киши. Мана шундай касб эгаларидан бири банк-молия тизимида ўзига хос мактаб яратади, давлатимиз равнағи йўлида муносиб хизмат қилган Тимур Азимовдир.

Тимур Азимов бутун ҳаётини юрт равнақига, молия-банк соҳасига бағшида этиб, тизимнинг турли йўналишларида меҳнат қилди. Қаерда ишламасин, доим ташаббускор, самимий, фидойи бўлишга интилди. Устоз ўз фаолиятининг асосий қисмини юртимиз аҳолисининг ижтимоий турмушини яхшилаш, банк соҳасида янги хизмат турларини ўзлаштириш, барқарор молиявий сиёсат ва мамлакали бошқарувни таъминлашга қаратди.

Айни дамда мамлакатимиз тижорат банклари орасида ўз ўрнига эга бўлган "Ипотека-банк", яъни собиқ Узуйжойжамғармабанкнинг тамали тошини қўйишда Т. Азимовнинг ҳам ўз ўрни бор. У киши банк ташкил этилганидан сўнг ilk Башқарув раиси сифатида ишлаб,

банкнинг нуфузини ошиши учун астойдил меҳнат қилди. Айнича, у кишининг ёшларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижасида кўплаб ўғил-қизлар ўз йўлини топиб кетишиди. Шунинг учун ҳам айни дамда у кишини "Устоз" дея йўқлаб келувчи шогирдлари бисёр.

– Ўз умримдан, шу касбни танлаганимдан мамнунман, – дейди Тимур Азимов. – Шукрки, шу соҳада элга танилдим, озми кўпми дўсту биродарлар ортириб, кўплаб ёшларга устозлик қилдим. Айни дамда шогирдларим ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб, юқори лавозимларда фаолият олиб боришишмоқда. Уларни кўриб ҳаётим бесамар ўтмаганидан, ортимдан яхши инсонлар қолаётганидан кўнглим равшанлашади.

Устоз билан суҳтаблашар эканмиз, фидойи кадрларни тўғри танлаш, жамоа аҳиллигини сақлаб қолиш аввало, раҳбарнинг одилона ҳаракатларига боғлиқ эканлигини айтиб ўтдилар. Шунингдек, ўзининг эсда қоларли, ёқимли ўтмиш хотиралари билан бўлишиб, барчанинг юзида табассум югуришига сабаб бўлди.


Кўп йиллар давомида банк-молия тизимида фаолият кўрсатиб, соҳа ривожига улкан ҳисса қўшган фидойи устозимиз, ҳозирги кунда бир-бiriдан ширин неваралари қучоғида кексалик гаштини сурмоқдалар.

**"Ипотека-банк" АТИБ  
Ахборот хизмати**

ЭЪЛОН

"PSB Insurance" МЧЖ суғурта компаниясининг A4 форматдаги 0195141 рақамли полис бланкаси ҳамда Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳайдовчилар сони чекланган PSL 0017397, PSL 0020135 ва PSL 0020148 серияли полис бланкалари йўқолганлиги сабабли юридик кучини йўқотгани МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

ЭЪЛОН



**Таҳририят дизайн  
логотiplари, буклетлар,  
варақалар, тақвимлар,  
корпоратив идентификатор  
ва анимацион видеоларни  
ишлаб чиқиши учун  
буюртмалар қабул  
қиласи. Тел.: 97-715-88-11.  
Қўнғироқлар соат 10-00 дан  
18-00 гача қабул қилинади.**

